

УДК: 616.9.34.092.053.1

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ХУДУДИДА ШАРТЛИ ПАТОГЕН ФЛОРА ТОМОНИДАН ҚЎЗГАТИЛАДИГАН ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ЭРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА КЛИНИК-ЭПИДЕМИОЛОГИК КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ



Мустаева Гулистон Бурибоевна, Тиркашев Отабек Саидович
Самарқанд давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

ОСОБЕННОСТИ КЛИНИКО-ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКОГО ТЕЧЕНИЯ ОСТРЫХ КИШЕЧНЫХ ИНФЕКЦИЙ, ВЫЗВАННЫХ УСЛОВНО-ПАТОГЕННОЙ ФЛОРОЙ У ДЕТЕЙ РАННЕГО ВОЗРАСТА НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ

Мустаева Гулистон Бурибоевна, Тиркашев Отабек Саидович
Самаркандский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Самарканд

FEATURES OF THE CLINICAL AND EPIDEMIOLOGICAL COURSE OF ACUTE INTESTINAL INFECTIONS CAUSED BY OPPORTUNISTIC FLORA IN YOUNG CHILDREN IN THE SAMARKAND REGION

Mustaeva Guliston Buriboevna, Tirkashev Otabek Saidovich
Samarkand State medical institute, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: gulistonmustaeva@mail.ru

Аннотация. *Долзарблиги:* Маълумки шартли патоген флора томонидан чақириладиган ичак касалликларни ривожланишида маҳаллий иммунитетнинг аҳамияти юқори ҳисобланади. Тадқиқот мақсади: шартли патоген флора томонидан чақириладиган ичак касалликларининг эрта ёшдаги болаларда клиник ва эпидемиологик кечиш хусусиятларини аниқлашдан иборат. Тадқиқот материали ва усуллари: илмий ишда Самарқанд вилоят юқумли касалликлар клиник шифохонасига (СВЮККШ) 2018 йил давомида мурожаат қилиб келган 461 нафар (100%) бемор кузатув остида бўлган. Тадқиқот муҳокамаси: Ўтказилган тадқиқотда Самарқанд вилоят юқумли касалликлар клиник шифохонасига (СВЮККШ) мурожаат қилган беморларда ўтказилган кузатув натижаларига асосланган. Кузатув остига олинган беморлар Самарқанд шаҳри, Самарқанд вилояти туманларидан мурожаат қилиб келишган. Хулоса: шартли патоген флора томонидан чақирилган ичак касалликлари иммун тизими паст ривожланган болаларда кузатишган. Преморбид фоннинг ноқулайлиги шартли патоген флора томонидан қўзғатиладиган ичак касалликларини аксарият ҳолларда ривожланишига туртки бўлиб хизмат қилган.

Калим сўзлар: *преморбид фон, шартли-патоген флора, эпидемиологик хусусиятлар.*

Abstract. *Relevance:* The role of local immunity in the development of intestinal diseases caused by known conditionally pathogenic flora is high. The aim of the study was to determine the clinical and epidemiological features of intestinal diseases in young children caused by conditionally pathogenic flora. Research material and methods: In the scientific study, 461 (100%) patients who applied to the Samarkand Regional Clinical Hospital of Infectious Diseases (SRCHID) in 2018 were under observation. Discussion of the study: The study is based on the results of observations in patients who applied to the Samarkand Regional Clinical Hospital of Infectious Diseases (SRCHID). The observed patients came from Samarkand city, districts of Samarkand region. Conclusion: Intestinal diseases caused by conditionally pathogenic flora have been observed in children with underdeveloped immune systems. Discomfort of the premorbid background has served as an impetus for the development of intestinal diseases caused by conditionally pathogenic flora in most cases.

Key words: *premorbid background, conditionally-pathogenic flora, epidemiological features.*

Долзарблиги. Статистик маълумотларга кўра сўнгги йиллар давомида ижтимоий-иқтисодий ва эпидемиологик шароитлар ўзгариши билан ўткир ичак касалликлари билан касалланиш сонининг ортиб бориши кузатиб келинмоқда. Адабиётларда ёзилишича кўпчилик муаллифлар томонидан ўткир ичак инфекциялари орасида шартли патоген флора қўзғатувчилари томонидан чақириладиган ичак касалликларини

сонини ортиб бораётганлиги қайд этилмоқда [1, 2]. Кузатувлар натижаларига кўра, эрта ёшдаги болаларда шартли патоген флора томонидан чақириладиган ичак касалликларини бир хилда кечишини кузатишимиз мумкин. Шартли патоген флора томонидан чақириладиган ичак касалликларни ривожланишида маҳаллий иммунитетнинг аҳамияти юқори ҳисобланади. Иммунологик таҳлил натижаларига кўра

хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичлари дисбаланси ичакдаги микрофлора қўзғалишига нисбатан жавоб реакцияси тарзида келиб чиқиб, одатий ҳолат ҳисобланади [3,4]. Ичак микрофлорасининг ўзгариши (қўпинча юкумли генезли) эрта ёшдаги болаларнинг иммун тизимидаги ўзгаришлар билан келиб чиқади. Иммун тизимининг хужайравий ва гуморал параметрларининг бузилиш ҳолати организмнинг резистентлигини пасайтиради [5]. Натижада аллергик, инфекцион ва аутоиммун асоратларга олиб келади.

Тадқиқот мақсади. Самарқанд вилояти ҳудудида шартли патоген флора томонидан чақириладиган ичак касалликларининг эрта ёшдаги болаларда клиник ва эпидемиологик кечиш хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот усуллари ва материаллари. Самарқанд вилоят юкумли касалликлар клиник шифохонасига (СВЮККШ) 2018 йил давомида мурожаат қилиб келган 461 нафар (100%) бемор кузатилди. Текширув материали сифатида: умумий қон, сийдик, ахлат таҳлили ва ахлатнинг бактериологик таҳлили ҳисобланади. Текширув усулларида клиник, эпидемиологик, лаборатор, статистик усуллар қўлланилди. Натижалар ретроспектив ҳолда чуқур таҳлил қилинди.

Тадқиқот муҳокамаси. Ўтказилган тадқиқотда Самарқанд вилоят юкумли касалликлар клиник шифохонасига (СВЮККШ) мурожаат қилган беморларда ўтказилган кузатув натижаларига асосланган. Кузатув остига олинган

беморлар Самарқанд шаҳри, Самарқанд вилояти туманларидан мурожаат қилиб келишган.

Беморларнинг манзилгоҳлари таҳлил қилинганида қуйидагилар маълум бўлди. Беморларнинг асосий қисмини Самарқанд шаҳридан (59,8%) ва туманларидан келган беморлар (40,2%) ташкил этди (1-расм).




1-расм. Беморларни яшаш жойига нисбатан тақсимланиши (%).


Туманлардан мурожаат қилиб келишган беморларимизни яшаш жойига нисбатан кузатув олиб борилганида қуйидагича ҳолат аниқланилди (2-расм).

Кузатувга олинган беморларимизни шартли патоген флора томонидан қўзғатиладиган ичак касалликлари билан йил давомида касалланиш ҳолатини таҳлил қилганимизда (3-расм).


Касалланган беморларимизни жинсларга боғлиқ ҳолда тақсимлаганимизда: аёл жинсдагилар 42,6%, эркак жинсдагилар 47,4% ташкил қилди (4-расм).



2-расм. Туманлар миқёсида яшаш жойига нисбатан тақсимланиши (%).



3-расм. Касалланишнинг йил давомида тақсимланиши (%).



4-расм. Беморларни жинсга нисбатан тақсимланиши (%).

Субъектив маълумотларга асосланган ҳолда беморларнинг 19,9% касалланишни сифатсиз овқат маҳсулотлари билан боғлаш ҳолати, 44,8% тартибсиз равишда сунъий овқатлантиришга барвақт ўтказилганлиги (мол сути, қаймоқ, печенье берганлиги), 16,9% беморлар одатдаги овқат рационига янги маҳсулотларни қўшилганлиги (мевалар, овқатлар, сабзавотлар), 18,4% беморларда эса бошқа касалликлар преморбид фониди ўткир ичак касалликларини келиб чиққанлиги маълум бўлди. Беморларнинг 18,9% касалланиш сабаби аниқланмади.

Беморларда *anamnesis morbi* таҳлил қилинганда, қуйидаги ҳолатлар маълум бўлди: беморлардан 29,9% қисми СВЮККШ га муржаат қилиб келишидан олдин бошқа шифохоналарда “Бронхозитлам”, “Туғма юрак нуқсон”, “Болалар церебрал фалажлиги” каби ташхислар билан даво муолажаларини олишган. Беморларнинг 13,4% қисми шифохонага келгунга қадар тартибсиз равишда, уй шароитида антибактериал дори воситалари ва антибиотиклар қабул қилишган.


Беморларнинг 24,9% йил давомида бир неча марта “Ўткир ичак инфекцияси”, “Ўткир гастроэнтерит” ташхислари билан стационар шароитда даво муолажаларини олганлиги маълум бўлди. Беморларнинг 8,6% йил давомида бир неча марта турли хил шифохоналарда даво муолажалари қабул қилишган.

Асосий ташхисга ҳамроҳ касалликларнинг қўшилиб келишининг кузатилиши: анемия 92,3% ҳолда, оғиз бўшлиғи кандидози-19,8% ҳолда, озикланишнинг бузилиши (гипотрофия) - 49,2% , турли хилдаги диатезлар -14,7% ҳолатда, бронхозитлам-16,8 % , болалар церебрал фалажлиги-1,9% ҳолда аниқланган.

Касалликнинг оғирлик даражасига кўра: 29,6 % беморларда оғир шаклда, 59,7 % беморларда касалликнинг ўрта оғир шаклининг учраши, 10,7% беморларда касаллик энгил шаклда кечган (5-расм).

Беморларда касаллик клиник белгилари таҳлил қилинганда: қорин соҳасидаги оғриқ, тана ҳароратининг кўтарилиши, ахлатининг суюқ, яшил рангда, кўпиксимон, кўп миқдордаги

шиллик аралаш келиши, қусиш, кўнгил айнаши, умумий дармонсизлик, иштахасининг пасайиши кузатилган.



5-расм. Касалликнинг оғирлик даражасига кўра тақсимланиши (%).

Ахлатнинг суюқ ҳолда патологик аралашмалар қўшилиб келиши 100% беморларда, қайт қилиш 41,4%, қорин дам бўлиши 59,6%, тери қопламларининг оқимтирлиги 68,9%, тана ҳароратининг кўтарилиши 57,6%, иштаханинг пастлиги-100%, холсизлик -100% ҳолда кузатилган.

Беморларнинг ахлатининг бактериологик текшируви натижасида қуйидаги ҳолат аниқланди: *Citrobacter*-18%, *Proteus*-18,6%, *Pseudomonas aeruginosa* -8,4%, *Enterobacter*-34,7%, *Klebsiella*-17,2%. Беморларнинг 3,1% қисмида шартли патоген флора қўзғатувчиларининг *stafilococcus aureus* билан биргаликда қўшилиб келиши аниқланди.

Касаллик асоратларидан сувсизланишнинг турлари ва даражаларига кўра: беморларнинг 31,8% гипотоник (сув етишмовчилик тури), изотоник тури 56,3% беморда, гипертоник (туз етишмовчилик тури) 11,9% беморларда аниқланди. Беморларнинг умумий ахлат таҳлилида макроскопик текширувда: қон, шиллик, йирингли ажралмалар кузатилди. Ахлатнинг микроскопик текширувида: эритроцитлар, лейкоцитлар аниқланди.

Қоннинг умумий таҳлилида: Нв 120 г/л дан 50 г/л гача камайганлиги, лейкоцитоз, ЭЧТ нинг 34мм/соатгача кўтарилган.

Беморларнинг 21,4% қисмида касалликнинг асоратлар билан кечиши кузатилди. Жумладан: гиповолемик шок -2,3%, ИТШ- 1,9%, нейротоксикоз-3,8 % ҳолатда. Стационар шароитда даво муолажаларини олган барча беморларга стандарт асосида антибактериал дори воситалари қўлланилган, антибиотикотерапия, дезинтоксикацион, орал регидратацион терапия, симптоматик терапия қўлланилган. Беморларнинг шифохонада даволаниш давомийлиги (ўртача ўрин куни) $11,05 \pm 0,4$ кунни ташкил этди. Беморларнинг умумий аҳолида клиник тузалиш кузатилиши билан уйига жавоб берилган.

Хулоса. Субъектив маълумотлар ўрганилганида, анамнездан қўпол равишда, барвақт сунъий озиклантиришга ўтказилган болаларда касалликнинг кўп учраши аниқланди. Шартли патоген флора томонидан чақирилган ичак касалликлари иммун тизими паст ривожланган болаларда кузатилган.

Преморбид фоннинг ноқулайлиги шартли патоген флора томонидан қўзғатиладиган ичак касалликларини аксарият ҳолларда ривожланишига туртки бўлиб хизмат қилган. Ҳамроҳ касаллиги бор болаларда шартли патоген флора томонидан қўзғатилган ичак инфекциялари оғирроқ кечиши аниқланди.

Адабиётлар:

1. Атабекова Ш.Р., Ибадова Г.А., Ахмедова Х.Ю. Болаларда диареядан кейинги холатнинг баъзи бир патогенетик жихатлари ҳамда даволаш чораларини оптималлаш. Инфекция, иммунитет и фармакология, 2015, №4 – 20-24 б.
2. Зайцева И.А., Цека Ю.С., Дорогойкин Д.Л. Этиотропная терапия острых кишечных инфекций у детей: учебно-методическое пособие. – Саратов – 2008 г.
3. Ольховиков А. И. Инфекционная патология у новорожденных детей / А. И. Ольховиков, А. С. Соколова, Т. В. Калугина, И. С. Панышша // Детские инфекции. Приложение. - М., 2007. - С. 119.
4. Соколова А. С. Структура заболеваемости и анализ микробного спектра у детей от 0 до 1 месяца жизни с инфекционной патологией / А. С. Соколова // Материалы 62-й всероссийской научно-практической конференции молодых ученых и студентов с международным участием. - Екатеринбург, 2007. - С. 91-93.
5. Турлакова Т.В., Хворостухина А.И. Анализ заболеваемости острых кишечных инфекций у детей раннего возраста в г. Саратове // Бюллетень медицинских интернет-конференций. 2011. № 1 / том 1.
6. Ярмухамедова Н.А., Матякубова Ф.Э., Раббимова Н.Т., Тиркашев О.С. Эрта ёшдаги

болаларда шартли патоген флора томонидан қўзғатиладиган ичак касалликларининг ҳозирги замонда ўзига хос кечиш хусусиятлари // Проблемы биологии и медицины. №3(89). 2016. - С. 124-127.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲУДУДИДА ШАРТЛИ ПАТОГЕН ФЛОРА ТОМОНИДАН ҚЎЗҒАТИЛАДИГАН ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ЭРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА КЛИНИК-ЭПИДЕМИОЛОГИК КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мустаева Г.Б., Тиркашев О.С.

Аннотация. Актуальность: Роль местного иммунитета в развитии кишечных заболеваний, вызванных известной условно-патогенной флорой, высока. Цель работы: целью исследования было определение клинико-эпидемиологических особенностей кишечных заболеваний у детей раннего возраста, обусловленных условно-патогенной флорой. Материал и методы исследования. В ходе научного исследования находились под наблюдением 461 (100%) пациент, обратившийся в областная инфекционная клиническая больница города Самарканда (ОИКБ) в 2018 году. Обсуждение исследования: Исследование основано на результатах наблюдений у пациентов, обратившихся в областная инфекционная клиническая больница города Самарканда (ОИКБ). Наблюдаемые пациенты приехали из города Самарканда, районов Самаркандской области. Заключение. Кишечные заболевания, вызванные условно-патогенной флорой, наблюдались у детей со слаборазвитой иммунной системой. Дискомфорт преморбидного фона послужил толчком для развития кишечных заболеваний, в большинстве случаев, вызванных условно-патогенной флорой.

Ключевые слова: преморбидный фон, условно-патогенная флора, эпидемиологические особенности.